

279 - وَعَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ عُوْيَمِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «أَبْعُونِي الْضُّعَفَاءَ، فَإِنَّمَا تُرْزَقُونَ وَتُنْصَرُونَ بِضُعَفَائِكُمْ». رَوَاهُ أَبُو دَاؤْدَ بِإِسْنَادٍ جَيِّدٍ.

.[2594]

279. Абу Дардо Уваймир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Мени заифларингиз ичидан ахтаринглар. Чунки заифларингиз туфайли ризқланиб, ғалаба қозонурсизлар», деб айтганларини эшиздим.

Абу Довуд яхши иснод билан ривоят қилганлар.

Шарх: Ризқингиз зиёда ва доимо музффар бўлишни истасангиз, Аллоҳга таваккул этгувчи заиф биродарларингизни зиёрат этиб, қалбларини шод этинг. Чунки, умматнинг ичидаги дуоси қабул бўладиган ибодатли, ихлосли кишилар бор. Ичингизда мавжуд заифҳол кишилар ўз заифликлари, камтаринликлари билан ибодат илиа Аллоҳга етишиб қолган бўладилар, ана ўшалар туфайли Аллоҳ сизларга нусрат ва ризқ беради. Бу қутлуғ амални Сайиди Коинот жанобимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга тавсия этганлар.

Манба: hadis.islom.uz



